



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Суғурта соҳаларининг шаклланиш тенденциялари

Абдурахмонов Ил'ёс Хуршидович

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, кафедра мудири

Ёзишмалар учун электрон почта: a.ilyos@mail.ru

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 26.10.2022

Қабул қилинган вақти: 29.11.2022

Таянч сўз ва иборалар: суғурта, тижорат ва нотижорат суғуртаси, суғуртани ривожланиш босқичлари, мулкӣ, шахсий, жавобгарлик суғуртаси

Аннотация

Мақолада суғуртанинг ҳимоя муносабатлари, суғурта институтининг шаклланиши ва ривожланишининг субъектив ва объектив омиллари, суғуртани юзага келишининг тарихий асосларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида суғуртанинг суғурта соҳаларига, суғурта тармоқларига ажралиши ва шу асосда ривожланиш босқичлари баён этилган.

FORMATION TENDENCIES OF THE INSURANCE SECTORS

Abdurakhmanov Ilyos Xurshidovich

Department chair, Banking and finance academy of the republic of Uzbekistan

Corresponding author: email: a.ilyos@mail.ru

ARTICLE INFO

Received: 26.10.2022

Accepted: 29.11.2022

Key words: insurance, commercial and non-commercial insurance, stages of insurance development, property, personal, liability insurance.

Abstract

The article describes the protective relations of insurance, subjective and objective factors of formation and development of the insurance institution, the division of insurance into insurance sectors, insurance networks and the stages of development on this basis.

Кириш

Суғурта ижтимоий-иқтисодий институт сифатида қадимги замонларда цивилизация пайдо бўлиши ва давлатчиликнинг дастлабки белгиларининг шаклланиши босқичларида келиб чиққан қизиқарли ривожланиш тарихига эгаллиги билан ажралиб туради. Суғуртанинг пайдо бўлишидан олдин унинг объектив шартлари юзага келган, бу эса инсонларни маълум бир ҳимоянинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларига киришига сабаб бўлганлиги ва кейинчалик эса бундай муносабатлар суғурта деб атала бошланган.

Суғурта узоқ тарихга эга ва ривожланиш даврида у нотижорат шаклдан тижорат турига айлана борди. Суғурта – бу инсонлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг энг қадимги тоифаси,

шунингдек у ишлаб чиқариш муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Хавфли ҳолатлар ва бахтсиз ҳодисалар инсоннинг моддий ва номоддий манфаатларига доимий равишда зарар етказиб келган. Табиат кучлари ва ҳодисалари, бошқа ҳаётӣ хавф-хатарлар олдидаги қурқув ва ночорлик, шунингдек уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш истаги инсонларни кучлари ва имкониятларини бирлаштиришга мажбур қилиб қўйди. Бунинг асосида суғурта тизими (механизми) пайдо бўла бошлади, бунда унинг асосий моҳияти имкониятлар, маблағларни ва капитални бирлаштириш орқали зарарларни кўпчилик ўртасида тақсимлаш эди ва бунинг натижасида суғурта иқтисодий муносабатлар хусусиятларига эга бўла бошлади.

Адабиётлар шарҳи

Суғурта узоқ тарихга эга, унинг ривожланиши давомида у нотижорат туридан тижорат кўринишига ўтди. Нотижорат тури суғурталовчиларнинг доимий ёки вақтинча уюшмасини ташкил этиш орқали, шунингдек бу уюшмалар суғурта келишувларидан фойда олиш ва уни уюшма иштирокчилари орасида тақсимлашни ўз олдига мақсад қилиб қўймаганликлари билан тавсифланади.

Тарихан инсоният жамиятида суғуртанинг пайдо бўлиши, хусусан тижорат турининг аниқ вақти маълум эмас. Шунингдек, бизгача етиб келган маълумотларга кўра биринчи суғурта келишувлари (битим, шартнома) савдогарларнинг иқтисодий манфаатларини тасодифий талончиликлардан, қуруқликдаги ёки денгиздаги табиий офатлардан ҳимоя қилиш мақсадини кўзлаганлиги айтилади.

Баъзи олимлар асарларида масалан, Денисова (2003), Кулков (2008), Ермасов (2014) ва Ахвведиани (2015) суғурта тахминан беш минг йил олдин пайдо бўлганлиги қайд этилган: “бизгача етиб келган энг қадимги суғурталаш қоидалари Талмуд китобларидан бирига ёзилган. Агар эшак боқувчи чўпонларнинг ҳайвони ўлса, Талмуд бошқа чўпонларга унга бошқа ҳайвон (пул эмас) ажратишни буюрган”.

Суворов (1997) эса суғурта фаолиятининг бошланиши сифатидаги операциялар 5-6 минг йил олдин Шумерда (Месопотамия жойлашган минтақа – ҳозирги Ироқнинг жанубида, у ерда Ур, Урук ва Лагаш дастлабки синфий жамият ва давлат вужудга келган) ташкил топганлигини таъкидлайди. Бунда маҳаллий савдогарларга юкларни ташиш пайтида юк йўқотилганда уларга ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун молиявий кафолатлар ёки пул маблағлари (қарз кўринишида ёки “умумий кассада”) берилган.

Райхер (1947), Шиминова (1989), Грешинко (2001), Гвозденко (2006) ва Борончиева (2016) олимларнинг таъкидлашича, суғуртанинг бирламчи шакллари тахминан 4000 минг йил олдин Бобил шоҳи Ҳамурапи қонунларида акс эттирилганлиги айтишади. Кейинчалик савдогарлар ва кемасозлар ўртасида тўсатдан табиий офат, талончилик ёки ўғирлик ҳолатларида кемаларнинг умумий корвонга боғланган савдогарлар ўртасида ўзаро ёрдам тўғрисидаги бир марталик шартномалар Форс кўрфазини соҳилларида жойлашган мамлакатлар Финикия, Қадимги Юнонистон, Ҳиндистон ва Қадимги Мисрларда ривожлана борди.

Пасынков (2014) илмий тадқиқотларида қўйидагиларни таъкидлайди, яъни Демосфеннинг (мил.аввалги 384-322 йиллар) сўзларига кўра Афинада қарз олган савдогар, агар моллари билан ҳеч нарса содир бўлмаганда (“сафар” олдидан келишилган ҳолда) уни қарз берувчига қайтариб беришга мажбур бўлган. Шу билан бирга, у кредит миқдорини ошиғи билан қайтарган. Бу ерда суғурталашнинг илк аломатларини кўришимиз мумкин, яъни қарз берувчи тўланган қўшимача фоиз миқдори савдогарларга қарз бериш учун маблағларни шакллантиришга йўналтирган.

Кричевский (2004) ўз илмий тадқиқотларида

қўйидагиларни таъкидлайди, яъни Қадимги Мисрда пирамидалар (Миср эҳромлари) қуриш билан шуғулланган ишчилар бахтсиз ҳодисалар натижасида жароҳат олганда ёки ҳалок бўлганда уларга (ёки улар оилаларига) ўзаро ёрдам берадиган кассаларни (жамғармаларни) ташкил қилишган.

Бахматов (2007), Мачуцкий (2003) ва Пшеничный (2014) ўз тадқиқотларида суғуртани пайдо бўлишига субъектив ва объектив омиллар асос бўлди деб таъкидлайдилар, яъни:

- Мулкий ёки моддий йўқотишларга олиб келиши мумкин бўлган хавфларнинг мавжудлиги, улар пайдо бўлишининг олдини олиб бўлмаслиги (объектив омил);
- инсонда моддий ва шахсий номоддий манфаатлар хавфсизлиги учун кўрқувнинг пайдо бўлиши (субъектив омил);
- инсонларнинг хавф-хатарлар билан курашиш истаги, уларда мавжуд усул ва шакллари зарарли оқибатларнинг олдини олиш ва бартарф этиш хоҳишининг мавжудлиги (объектив ва субъектив омиллар биргаликда).

Суғурта муносабатлари ёки унинг ҳимоя кўриниши бир нечта параллел ва ўзаро боғлиқ бўлган тарихий ривожланиш босқичларга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири суғуртанинг янги ва янада такомиллаштирилган кўринишлари билан бойитиб борилган. Бу борада Базилевич (2006) қўйидагиларни таъкидлайди, капиталистик давр суғуртасига хос хусусиятлар ўрта асрларда пайдо бўлган, аммо илк суғурта фондини шакллантириш механизмлари Қадимги Римда жорий қилинганлиги келтириб ўтишимиз мумкин.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида хавф-хатарлардан ҳимояланиш асосида суғурта муносабатларининг вужудга келиши ва шаклланишининг назарий асослари ўрганилди, турли давр ва мамлакатларда суғурта тизими ривожланишининг солиштирма таҳлили, мавзуга боғлиқ кўплаб назарий адабиётлар, эмпирик тадқиқотларга таянган ҳолда мантикий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув усуллари кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, дастлаб суғурта товарлар ва ҳаракат воситаларини қамраб олган; зарарларни қоплаш суғурта манфаати ҳисобланган; махсус профессионал суғурталовчилар бўлмаган; суғурта бадалларини ҳеч ким ҳеч кимга тўламаган. Аммо суғурталовчиларнинг пайдо бўлишлари учун зарур шарт-шароитлар, яъни суғурта мукофотларини тўлаш, битимларнинг ёзма равишда ижро этилиши учун замин яратила бошлаган эди. Битимлар тузилишини ҳаракатга келтирувчи асосий сабаб бу зарарларни қоплаш ва ўзаро ёрдам тамойиллари асосида битимда келишилган тасодифий хавфлар туфайли етказилган зарарни қоплаш эди.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти ривожланиб бориши

билан суғурта турлари (юклар ва ҳаракат воситалари билан биргаликда ўлим, жароҳат олишдан, шунингдек хизмат юзасидан бошқа жойга ўтказиш билан боғлиқ турлари) кўпая бошлади, унинг таркиби ва шакллари такомиллашиб борди. Шунингдек, Қадимги Римда доимий ташкилотлар (колегиялар, уюшмалар) ўз уставлари билан профессионал (савдогарлар, ҳунармандлар, ҳарбийлар) ёки диний кўринишига эга бўлган ташкилотлар аста-секин шакллана борди. Коллегиялар, уюшмаларнинг аъзолари аллақачон бадалларни тўлашни ва низомларида қайд этилган маълум шартлар билан етказилган зарарни қоплаб берилиши ҳуқуқига эга бўлиб бордилар. Қадимги Рим нотижорат суғуртаси эрамининг 133 йилда ташкил этилган Ланивия коллегияси устави (Лавиниум шахри номига атаб қўйилган) билан шакллана борди (Гомелля (2006)).

Устав бўйича ушбу пул маблағларни бериш учун қўйидаги қоидалар мавжуд эди. Биринчидан, уни фақат коллегия аъзосининг васияти бўйича меросхўр олиши мумкин, аъзо васияти бўлмаган тақдирда уни қонун бўйича меросхўрга берилмаслиги. Иккинчидан, бу маблағлар мархумнинг қарз мажбуриятлари бўйича кредиторлар учун даҳлсизлиги. Учинчидан, қул эгаси ўз қулини дафн маросими учун суғурта суммасини олиш ҳуқуқига эга эмасди. Кейинчалик Ланивия уставига кўра бундай суммалар мархумнинг етим қолган оила аъзоларига ёрдам бериш тариқасида берилиши жорий этила бошлаган.

Ушбу мисоллардан шуни кўришимиз мумкинки, биринчидан, қулдорлик жамиятида ҳозирги икки суғурта соҳаси ёки тармоғининг асосий тамойиллари шакллана бошлаган:

- савдогарларнинг юклари ва ҳаракатланиш воситаларини суғурта қилиш билан мулкий суғурталаш;
- жароҳатланиш, ўлим, ҳарбий хизматчиларнинг бир жойдан икки жойга кўчиришлари ва ҳоқазоларни суғурта қилиш билан шахсий суғурталаш.

Иккинчидан, савдогарлар, ҳунармандлар, диний, коллегиялар ва бошқа нотижорат мақсадларни кўзлаган ташкилотлар мулкий суғурта ва шахсий суғурта бўйича йўқотишларни умумий қоплаш бўйича ўзаро келишув асосида жамоат уюшмаларига (бирлашмаларига) айлана бордилар. Бу ўз навбатида, уюшма аъзоларининг суғурта ҳимоясини таъминлаш учун нотижорат тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос усули сифати (ўзаро келишув асосидаги жамоат уюшмалари) илк суғурта ташкилотларининг ҳуқуқий шаклининг пайдо бўлишини англатади.

Ўрта асрлар феодал тузумларида нотижорат суғуртаси қўйидагилар билан тавсифланади:

- суғурта турлари, мақсади ва суғурта таъминоти бўйича суғурта муносабатлари доирасининг кенгайиши;
- иккита мустақил суғурта соҳаларининг (мулкий суғурта ва шахсий суғурта) пайдо бўлиши учун зарурий шарт-шароитларнинг янги босқичга ўтганлиги;
- гилдия, цехлар ва махсус (алоҳида) умумий

суғурта пул фондларидан бева, етим ва бошқа кассаларнинг ажралиб чиқиш жараёнлари, шунингдек уларда нафақат гелдия ва цех аъзолари, балки бошқалар ҳам иштирок этиш мумкинлиги белгина бошланганлигидир.

X - XIII асрларда суғуртанинг илк амалиётини гилдия ва цехлар амалга оширишни бошлашди бунинг Айзенштейн (1912) ишларида кўришимиз мумкин. Масалан, X асрда Англияда англо-саксон гелдияси аъзоларининг қорамоллари ўғирланганда уларга унинг нархини қоплаш учун махсус кассаларни ташкил этилган. XI асрдан бошлаб эса Германия ва Данияда суғурта билан шуғулланадиган гелдиялар ташкил этила бошланган. Германияда савдогарларнинг гилдияларининг энг кенг тарқалган тулари бўлиб Германия хорижий ганзалари (шерикчилик бирлашмалари, уюшмалар) ҳисобланарди. Данияда XI асрларда гелдия аъзолари қўйидаги шартлар бўйича келишувга эришдилар: агар аъзолардан бирортаси кема ҳалокатига учраганда ёки асирга олинган бўлса, унга умумий кассадан ҳалокат учун ёки асирликдан озод қилиш бўйича қопламалар тўлаб берилган. XII асрда Испанияда бадавлат фуқаролар тасодифий ёнғинлар ва қорамоларнинг ўлими натижасида етказилган зарарларни қоплаш учун уюшмалар ташкил этишган.

Дастлаб, гелдиялар бир марталик суғурта келишувларини масалан, юкларни қуруқлик ёки сув орқали ташиш билан боғлиқ йўқотишларни қолаш учун тузилган. Кейинчалик улар ўзларининг мулклари ва аъзоларини ҳимоя қилиш учун узоқ муддатли келишувларни туза бошлаганлар. Ушбу гелдиялар ривожланиб бориши натижасида доимий суғурта ташкилоти гелдиясига айланиб борди.

Кейинчалик суғурта гелдияларида ҳимоя ва профессионал гелдияларга ажрала бошлашди. Ҳимоя гелдиялари ўзларнинг аъзоларини ва мулкларини тасодифий хавф-хатарлардан ҳимоя тақлиф қила бошлашди. Профессионал гелдиялар фақат битта касбга тегишли бўлган аъзоларнинг манфаатларини ҳимоя қилардилар. Шундай қилиб, шу асосда савдогарлар (ҳунармандлар), актерлар, қиличбозлар, ёнланма аскарлар мажбуриятини суғурталайдиган гелдияларга пайдо бўлди.

Цехлар ҳунарманд ҳалқини ҳунармандлар ва уларнинг шогирдларини бирлаштирдилар. Суғурта цехлари, шунингдек иқтисодий, диний ва ижтимоий мақсадларга мўлжалланган иттифоқларни ҳам қамраб олишган эдилар. Цехлар ўз аъзоларига бахтсиз ҳодисалар, касалликлар, қарилик ва ўлим туфайли ногиронлик ҳолатларида ёрдам бериб келишарди.

Гелдиялар ҳам, цехлар ҳам уставларига мувофиқ гелдия ва цехларнинг умумий кассаларидан суғурта заҳираларини (натура ва пул маблағлари шаклида) шакллантириб бордилар. Ўзаро ёрдам дастлаб уставларда умумий шаклда, яъни ёрдам ҳажми ва суғурта ҳодисалари аниқлаштирилмас эди. Жабрланганларга ёрдам беришнинг яна бир шакли – етказилган зарарларни қоплаш учун зарурий маблағлар жамиятнинг, уюшманинг ҳар бир аъзосига бўлинар эди.

Аста-секин гелдия-цех суғуртаси Қадимги Рим

сингари аъзоларнинг ўз кассаларига доимий бадалларни тўлаш орқали суғурта фондларини яратишнинг янги ривожланган шаклига ўта бошлади. Шу билан бирга, ўрта асрларда нотижорат суғуртаси янги турдаги хатарларни пайдо бўлишига қараб табақалашиб борди ва бу ўз навбатида мулкӣ ва шахсий суғуртанинг ривожланишига туртки бўлди. Суғурталанувчилар сифатида аъзоларнинг мажбурияти кенгая борди, бадалларни мунтазам тўлашдан ташқари, улар ўзларининг мол-мулкларини ҳушёр сақлашлари улардан фойдаланишда эҳтиёткор бўлишлари, табиий офатлардан ва бошқа назарда тутилган ҳолатлардан келиб чиқадиган зарарларни камайтириш учун зарур чораларни кўришлари шарт эди. Агар кимдир ушбу қоидаларни бўзса уни зарар учун қоплама олиш ҳуқуқидан маҳрум қилишар эди.

Жаҳон амалиётида тижорат амалиётининг асосий мақсади фойда олиш ва уни ташкилотнинг (ҳар қандай мулкчилик шаклидан қатий назар) таъсисчилари ўртасида тақсимлашга қаратилган тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади.

Ушбу мезонга кўра, тижорат суғуртаси XIV асрда феодализм негизда капиталистик товар ишлаб чиқаришнинг юзага келиши билан шакллана борди.

Баъзи олимлар Борончиева (2016) тадқиқотларида тижорат суғуртаси ривожланишининг учта асосий босқичини ажратиб кўрсатилади: биринчи босқич (XIV аср охири ва XVII аср) капитални дастлабки жамғариш даври билан боғлиқ; иккинчи босқич (XVII аср охири ва XIX аср) эркин тадбиркорлик ва эркин рақобат даври билан боғлиқ; учинчи босқич (XIX аср охири - XX аср) тадбиркорлик фаолиятининг монополаштириш ва рақобат даври билан боғлашади. Тижорат суғуртасини бундай даврийлаштириш икки омилга асосланади:

1) суғурта фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларидаги ўзгаришлар;

2) суғурта фаолияти операциялари ва турларининг кўпайиши.

Табиий, техник, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий детерминизм нуқтаи назаридан биз тижорат суғуртасининг ривожланиш босқичларини кўриб чиқамиз.

Тижорат суғуртасининг биринчи босқичида, биринчидан, суғурта ҳимояси оммавий хизматга, сотиш ва сотиб олиш предметига ва сотувчига фойда келтирадиган товарга айланди; иккинчидан, суғурта шаклланаётган бозор иқтисодиётининг алоҳида тармоғига айланди; учинчидан, суғурта битимларини фуқаролик-ҳуқуқий асосларини яратиш амалиёти жорий этилди; тўртинчидан, аннуитетларни суғурта қилиш, тижорат, молиявий кредитларни ва бошқа истиқболли суғурта турларининг асослари яратилди.

Феодализм негизда капиталистик иқтисодиётнинг пайдо бўлиши билан иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида ихтисослашиш тенденциялари кузатила бошланди (масалан, молия (банк), савдо ва суғурта). Ушбу тенденция, ижтимоий меҳнат тақсимоли қонунининг амалга оширилиши сифатида, тижорат фаолиятининг, яъни минимал харажат билан максимал даромад олишга қаратилган асосий мақсадини ўзида ифода этарди. Денгиз савдоси

айнан савдогарлар, банкирлар ва суғурталовчилар капитал қўйиши ва фойда олиши учун энг самарали майдонга айланди.

Тижорат суғуртасини ташкил этишнинг иккинчи босқичида мулк суғуртасининг бир қисми сифатида денгиз суғуртаси етакчилик қилди. Биринчи денгиз суғурта ассоциацияси (компанияси) 1668 йилда Францияда пайдо бўлди, аммо у узоққа бормай майда компанияларга парчаланиб кетди.

Англияда тижорат суғуртасининг ривожланишида Edvard Lloyd муҳим рол ўйнаган. XVII асрда Edvard Lloyd қахвахона эгаси бўлган ва унинг асосида 1686 йилда “Lloyd's Insurance Office” суғурта ташкилотига асос солган. 1720 йилда бу ташкилот қироллик хартияси томонидан “Corporation of Lloyd's” деб қайта ташкил этилди ва у Лондонда суғурталовчилар ва суғурта воситачиларини (маклерларни) бирлаштиришга эришди. Корпарациянинг ўзи суғуртани амалга оширмаган (ҳозир ҳам оширмайди).

Уюшманинг мавқеи шу даражада ошиб бордики унинг 1779 йилдаги “Lloyd имзо варақаси” Италия, Германия, Голландия, Франция ва Россияда денгиз суғурта операцияларини амалга ошири учун наъмунавий шартнома асосида қабул қилинди.

Агар денгиз суғуртасининг ривожланишига табиий офатлар, қароқчилик ва бошқалар сабаб бўлган бўлса, Европада урбанизация жараёнларининг ривожланиши, шунингдек, техник омиллар билан боғлиқ янги хавфларнинг пайдо бўлиши мулк суғуртасининг янги турларини яратишга эҳтиёж тўғдирди. 1666 йилда Лондонда содир бўлган ёнғин 70 минг кишининг ҳаётига зомин бўлди ва бу ўз навбатида Англияда кўплаб ёнғин акциядорлик суғурта компаниялари пайдо бўлишига асосий туртки бўлди. Германияда ёнғиндан суғурталаш тури оммавий (жамоат-ҳуқуқий асосида ташкил этилган ташкилотлар) жамиятлар орқали таклиф этила бошлади. Бундай кўринишдаги биринчи корхона Гамбургдаги (1677 йил) Бош ёнғин кассаси эди. 1701 йилда эса Берлинда ёнғин суғуртаси бўйича махсус устав яратилади.

Ҳаётни суғурта қилиш тижорат шакли денгиз ва ёнғиндан суғурталаш жамиятларидан сўнг қарийиб бир асрдан кейин пайдо бўла бошлади. Бунинг бир неча сабаблари бор эди албатта. Биринчидан, ҳаётни суғурталаш денгиз ва ёнғин суғуртасидан кўра кўпроқ илмий асосланишни талаб этарди. Унинг тариф базаси актуар ҳисоб-китоблар назариясига асосланади, бу эҳтимоллик назарияси ва статистика фанининг ривожланишисиз ва унинг асосида ўлим жадваллар тузиб бўлмаси билан изоҳланарди. Уларнинг ривожланиши (XVII асрнинг охири - XVIII аср бошлари) ҳаётни суғурталашнинг илмий (математик) ташкил этилишига асос бўлди. Иккинчидан, биринчи босқич қоидалари (ҳаётни суғурталашнинг бузуқ шакллари сифатида) фоиз йиғиш, ўйин ва гаров боғлаш, қумор ўйнашни таъқиқларди. Шу сабабли, кредит ташкилотлари, гелдиялар, цех ва кассалар томонидан ҳаётни суғурталашдаги уринишлар эмперик асосларга таянган эди ва бу ўз навбатида барча иштирокчилар учун ҳам манфаатли эмас эди.

Математик воситалар асосида ҳаётни суғурталаш бўйича биринчи жамият Англиянинг “Equitable”

суғурта жамияти эди. У 1762 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳаётни суғурталашда математик асосланган воситалардан фойдаланган. Унинг фаолияти самарадорлиги шунчалик юқори бўлдики, 1830 йилга келиб Англияда 35 та ҳаётни суғурталаш жамиятлари ва ўнлаб кичик компаниялар мавжуд эди.

Европа қитъасида ҳаётни суғурталаш бўйича биринчи акциядорлик жамияти ("Compagnie Royal d'Assurances") Францияда (1787 йил) ташкил этилди. Франциядаги бу амалиё Италияга (1826 йил) ўтди. Германияда ҳаётни суғурталашнинг ушбу шакли биринчи марта Гамбургда (1806 йил) пайдо бўлган. 1828-1829 йилларда Германия ҳаётни суғурталаш банки (Gotha шахрида) ва Любек ҳаётни суғурталаш банки ташкил этилган.

XVIII аср ўрталарида мулк суғуртасининг қишлоқ хўжалигида ўсимликларни дўлдан ва чорва молларининг nobud бўлишидан суғурта қилишга эҳтиёж пайдо бўлди. Кўп асрлик феодал қарамликдан озод бўлиши ва ерга бўлган мулкчилик шаклининг ўзгариши, капиталнинг қишлоқ хўжалиги кириб келиши (капиталистик иқтисодиётнинг пайдо бўлиши) ва унинг рентабиллиги ошиши билан суғуртанинг ушбу турларига бўлган талаб шакллана борди. Гап шундаки, ўсимликларнинг дўлдан nobud бўлиши ва чорва моллар ўлими қишлоқ тадбиркорларини ушбу хавфлардан ҳимоя қилишни талаб қилиб қўйди.

Тижорат суғуртанинг иккинчи босқичида саноат соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар кузатила бошланди. У ишлаб чиқаришда кенг қўламли машинасозликнинг жорий этилиши, эркин рақобат ва тадбиркорлик ривожланиши босқичига (XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошлари) кўтарила борди.

Ишлаб чиқаришнинг янги технологик услуби эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда капитал ва ишлаб чиқаришнинг концентрацияси ва марказлашувининг ошиши саноат бинолари, иншоотлари, ускуналар, транспорт воситалари ва бошқаларга инвестицияларни жалб қилиш учун катта харажатларни талаб қиларди. Бу юқори қийматли ишлаб чиқариш манфаатларини суғурта қилиш заруриятини кўчатибди. Ушбу эҳтиёж, биринчидан, янги технологиялар кутилмаган янги ҳалокатларни (хавфларни) келтириб чиқарадиган янги энергия турларини (буғ, газ, электр энергия) талаб қилди, иккинчидан, ишлаб чиқаришнинг янги технологик усули асосини машиналар, уларнинг ишлаши учун завод фабрикалар талаб қилинди, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш кучлари яъни ишчилар сонининг домий ўсишига олиб келди. Капиталистик иқтисодиётнинг ўзига хос хусусияти сифатида ишчиларнинг ҳимояланмагаликлари ўз навбатида ўлим, касалланиш, ногиронлик суғурта турларига бўлган талабни кучайтишига сабаб бўлди.

Юқоридаги санаб ўтилган хавф-хатарлар мулк ва шахсий суғурта ҳолатларига қўшимча равишда суғурталанувчилар, суғурталовчилар ва давлат томонидан тўлдирила борилди. Шиша синиши, қуварларидан сувнинг оқиши, бахтсиз ҳодисалар, фуқаролик жавобгарлиги (XIX асрнинг ўрталаридан) суғурта турлари пайдо бўлди ва уларни кўрсатиш

қонунлаштирилиб борилди.

Шундай қилиб, ривожланиб бораётган ишлаб чиқариш, техник, иқтисодий ва ижтимоий хавф-хатарларга муносиб жавоб сифатида акциядорлик компаниялари (XVII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Англия ва Францияда) ва ўзаро суғурта компаниялари вужудга кела бошлади. Аммо ушбу жамиятларнинг имкониятлари бир қатор хавфлар учун етарли эмас эди ва бу биргаликда суғурта ва қайта суғурталашни ривожлантиришга олиб келди.

Юқоридагилар кўриниб турибдики, тижорат суғуртасининг иккинчи босқичи қишлоқ хўжалигидаги капитализмнинг ривожланиши, шаҳарларнинг урбанизацияси, ёнланма ишларчилар сонининг кўпайиши ва тадбиркорларнинг улар олдидаги мажбурияти бажариш бўйича жавобгарлигига кенг таъсир кўрсатган машинасозлик ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида ривожланди.

XVIII асрнинг охири XIX аср бошларидаги саноат инқилоби тижорат суғуртасининг иккинчи босқичи ривожланишининг асосий шартларини белгилаб берди, хусусан:

биринчидан, мулк ва шахсий суғурта турлари янада ривожланиб борди;

иккинчидан, шахсий суғурта турлари математик илмий асосланган базага эга бўлди;

учинчидан, жавобгарликни суғурта қилиш суғурта соҳаси сифатида пайдо бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди, бунда қарз олувчиларнинг жавобгарлиги билан бир қаторда тадбиркорларнинг жавобгарлигини шартнома объектига айланиб борди; тўртинчидан (энг асосийси), суғурта тадбиркорликнинг якка тартибдаги туридан оммавий ташкилий-ҳуқуқий шаклларга ўтди, улар орасида акционерлик шакли устувор ҳисобланарди;

бешинчидан, XIX аср охирида ишлаб чиқариш кучларининг кенгайиб бориши доимий асосда фаолият юритадиган биргаликда ва қайта суғуртанинг ривожланишига, яъни катта объектларни суғурта ҳимояси билан таъминлаш воситаси сифатида ҳаётга тадбиқ этилди;

олтинчидан, янги шароитларда суғурталашнинг ҳуқуқий асослари (масалан, Lloydнинг имзо варақаси, ёнғинни суғурта қилиш тўғрисидаги низом (Берлин 1761), 1794 йилда кучга кирган ҳаётни суғурталашни тартибга солиш бўйиса Пруссия қонуни ва бошқалар) такомиллаша бошлади.

Тижорат суғуртасининг навбатдаги босқичи саноат инқилобининг иккинчи босқичида (XIX асрнинг охири ва XX аср бошлари) ва замонавий илмий-техник инқилобининг бошланишига (XX аснинг 50-60 йиллари охири) тўғри келди.

Тижорат суғуртасининг учинчи босқичи эркин капиталнинг тўпланиши, тадбиркорлик ва монополистик рақобатда капиталнинг тўпланиш даврида ривожланиб келди. Иккинчи саноат инқилобининг техник, иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари илгари учрамаган техник, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий хавфларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Тижорат суғуртасининг учинчи босқичида сиёсий

рисклар худди шу иш ташлашлар ва намоишлар натижасида пайдо бўлган сиёсий талаблар туфайли юзага келди, булар урушлар, бир қатор буржуа-демократик ва социалистик инқилоблардир.

XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярмидаги саноат инқилобининг хавфли оқибатларига мос равишда суғурта компанияларининг молиявий имкониятларини янада ошириш мақсадида соҳа инфратузилмасида монополизация жараёнлари янада ривожлана борди. Ушбу жараёнларнинг бир қатор характерли хусусиятларини таъкидлаш мумкин:

биринчидан, хусусий (якка) банкларнинг акциянерлик банкларига айлантирилиши, уларнинг акциянерлик суғурта компаниялари ва ўзаро суғурта компаниялари билан бирлашиши;

иккинчидан, суғурта компанияларининг саноат ва савдо соҳалари билан қўшилиши содир бўлди. Бир сўз билан айтганда, суғурта компаниялари капиталини бошқа соҳалар билан бирлаштириш ва хорижий компаниялар билан бундай компаниялар фаолиятини доимий равишда кенгайтириш тенденцияси ўсиб борди;

учинчидан, суғурта ва саноат корхоналарини қартиллаштириш жараёни бошланди ва бу ўз навбатида суғурталанувчилар иттифоқини шаклланишига олиб келди;

тўртинчидан, суғурта жамиятлари ўз филиал ва тармоқларини ташкил этишни бошладилар. Суғурта бизнесини монополиялаштириш жараёни бошланди;

бешинчидан, суғурта тобора кўпроқ халқаро аҳамият касб эта бошлади;

олтинчидан, давлат суғуртаси пайдо бўлди, суғуртани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарурати ва жамият аъзоларининг суғурта ҳимоясига бўлган ҳуқуқлари қонунлаштириб борилди.

Ва ниҳоят, барча ривожланган мамлакатларда суғурта фани ривожланди ва унинг олдида иқтисодийга кўмаклашиши бўйича кўплаб вазифалар турарди. Яна ушбу босқичнинг ўзига хос

хусусияти кооператив суғуртанинг жадал ривожланиши бўлди.

Тижорат суғуртасининг учинчи босқичида давлат ролининг ошиб бориши уч йўналишда олиб борилди: давлатнинг ўзи суғурта бозорида суғуртачи сифатида нодавлат суғурта компаниялари билан рақобатга киришди; баъзи давлатлар (Италия, Уругвай) суғурта соҳасини миллийлаштиришга ҳаракат қилишди; айрим давлатлар мамлакатда суғурта фаолияти устидан давлат назаоратини ўрнатдилар. Шу билан бирга, уларнинг баъзилари (Германия, Франция, Швецария) суғурта қонунчилигини кодификациясини жорий этишди.

Учинчи босқичда суғурта анъанавий суғурта турлари ва соҳаларининг кенг ривожланиш (экстенсив) йўлини босиб ўтди. Бу уларнинг монополистик суғурта иттифоқлари ичида ва улар ўртасида содир бўлган сифат ўзгаришлари билан тавсифланди, суғурта бизнесининг миллий интеграцияси ва унинг халқаро миқёсда ривожланиши кучайиб борди.

Учинчи босқичнинг асосий натижалари сифати суғуртанинг учта соҳага (шахсий, мулкӣ, фуқаролик жавобгарлиги) ихтисослашганлигини кўришимиз мумкин; унинг халқарорлашуви; қайта суғуртанинг миллий ва халқаро суғурта бозорларида суғурта операцияларининг молиявий барқарорлигини таъминловчи доимий институт сифатида шаклланиши.

Суғурта соҳасининг XX аср ўрталаридан ҳозирги кунгача ривожланишини биз шартли равишда тўртинчи босқич даври деб аташимиз мумкин. Ушбу босқич илмӣ, технологик ва информатсион инқилоблар билан боғлиқдир. Илмӣ ва технологик тадқиқотларнинг мазмуни шундан иборатки, илмӣ кашфиётлар асосида ишлаб чиқаришга мутлақо янги машиналар ва шу асосда янги турда хавфларни келтириб чиқарадиган янги технологиялар кириб келмоқда.

1-жадвал

Миллий суғурта бозорида суғурта соҳаларининг туркумланиши¹

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида” ЎРҚ-730-сонли Қонунига асосан суғурта қўйидаги соҳалардан ташкил топган (6-модда. Суғурта соҳалари ва турлари (класслари)):	
Ҳаётни суғурта қилиш соҳаси	Умумий суғурта соҳаси
Ҳаётни суғурта қилиш (жисмоний шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қobiliяти ва пул таъминоти билан боғлиқ манфаатларини суғурта қилиш, бунда шартнома бўйича суғуртанинг энг кам муддати бир йилни ташкил этади ҳамда суғурта суммаларининг суғурта шартномасида кўрсатиб ўтилган оширилган фоизни ўз ичига олувчи бир марталик ёки даврий тўловларини (аннуитетларни) қамраб олади);	Умумий суғурта (шахсий, мулкӣ суғурта, жавобгарликни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни суғурта қилиш соҳасига тааллуқли бўлмаган бошқа суғурта турлари).
Суғурта таваккалчиликларининг ёки улар гуруҳларининг ва улар билан боғлиқ мажбуриятларнинг умумий хусусиятларига мувофиқ суғурта соҳалари суғурта турларига (классларига) бўлинади. Суғурта турлари (класслари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” 80-сонли Қарори, Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш	

¹ Қонунчилик ҳужжатлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

тартиби тўғрисидаги ягона <u>низомига</u> 6-ИЛОВА)			
Ҳаётни суғурта қилиш соҳаси		Умумий суғурта соҳаси	
Класс тартиб рақами	Класснинг номи	Класс тартиб рақами	Класснинг номи
I класс	Ҳаёт ва аннуитетлар	1-класс	Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш
II класс	Никоҳ ва туғилиш	2-класс	Касалликдан эҳтиёт шарт суғурта қилиш
III класс	Ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш	3-класс	Ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш
		4-класс	Ҳаракатланадиган темир йўл таркибини суғурта қилиш
IV класс	Соғлиқни суғурта қилиш	5-класс	Авиация суғуртаси
V класс	Мажбуриятларни таъминлаш учун ҳаётни суғурталаш	6-класс	Денгиз суғуртаси
		7-класс	Йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш
		8-класс	Мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш
VI класс	Узоқ муддатли ихтиёрий пенсия суғуртаси	9-класс	Мол-мулкни зарардан суғурта қилиш
		10-класс	Автофуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш
VII класс	Капитални қайтариш билан ҳаётни суғурталаш	11-класс	Авиация суғуртаси доирасидаги жавобгарликни суғурта қилиш
		12-класс	Денгиз суғуртаси доирасида жавобгарликни суғурта қилиш
		13-класс	Умумий фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш
		14-класс	Кредитларни суғурта қилиш
		15-класс	Кафилликни (кафолатларни) суғурта қилиш
		16-класс	Бошқа молиявий таваккалчиликлардан суғурта қилиш
		17-класс	Ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатларни суғурта қилиш
		18-класс	Тиббий суғурта

Техник, технология ва информацион соҳадаги инқилобий ўзгаришлар инсон ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳарбий ва бошқа соҳаларига катта таъсир кўрсатди, ўз навбатида бу таъсирлар ижобий ва салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Салбий таъсирлар аввалги баъзи хавф ва таҳдидларнинг кучайиши, шунингдек янгиларини пайдо бўлиши билан изоҳланди. Юз берадиган тасодифий авариялар ва уларнинг манбалари аввалабор техник ва технологик асосларга эга эди. Мавжуд техник ва технологик хавфларнинг кўлами, зарар миқдори ва бошқа кўрсаткичлари жиҳатидан жудда катта бўлиб, улар ҳатто бутун бир давлат учун ҳам ҳаддан ташқари катта миқдорларни ташкил эта бошлади.

XXI аср бошларидаги фалокат оқибатлари шунчалик катта миқдорларда бўлдики, ҳатто йирик қайта суғурта компаниялари ҳам жуда оғир аҳволда қолишди. Дунёни танглик аҳволига солган айрим талофатларни келтириб ўтишимиз мумкин, масалан: Нью-Йоркдаги теракт (2001 йил 11 сентябрь), Жанубий-шарқий осиенинг қирғоқ мамлакатлардаги цунами (2004 йил 26 декабрь) ва Япониядаги зилзила ва цунами (2011 йил 11 март).

Дунёда ҳозирги вақтда табиий ва ижтимоий фалокат хавфларидан халос бўлган бирор бир мамлакат мавжуд эмас. Хавфларнинг глобаллашуви бу иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёнининг

ажралмас қисми ҳисобланади.

Хавф ва иқтисодий глобаллашувнинг ҳозирги замонавий шароитида боғлиқлиги табиий ҳисобланади. Инсониятнинг бутун тарихи шундан далолат берадики, иқтисодий ўсиш даражаси ва кўлами қанчалик юқори бўлса, хавфлар даражаси ва таъсири ҳам шунча юқори бўлади.

Техник рисклар катта қийматдаги (юз миллион, ҳаттоки миллиард долларлик) йирик ва хавфли объектларни – атом электр станциялари, космик объектлар, газ ва нефть қувурлари, газ, нефть ва кимё саноати, денгиз траспорти (нефт маҳсулотларини ташувчи танкерлар) ва бошқаларни эксплуатация қилиш билан боғлиқдир. Худди шундай иқтисодий ва ижтимоий рисклар ҳам катта ҳажмларда бўлиши мумкин (террорчилик, сиёсий, ҳарбий ва бошқалар натижасида юз бериши мумкин бўлган иқтисодий инқирозлар, пандемиялар ва ҳ.к.).

Барча турдаги рискларнинг глобаллашуви ҳозирги кунда энг хавфли ҳисобланади. Улар энди бир мамлакат чегарасидан чиқибгина қолмай балки бутун бир ер курраси миқёсидаги таъсирга эга бўлишди. Инсоният ушбу хавф тизимини экологик рисклар тоифасига киритадиган атроф-муҳитга (тупроқ, сув, иқлим) ва озиқ-овқатга зарар етазилишига дуч келди. Замонавий рискларнинг глобал ва космик табиати инсоният учун энг даҳшатли – генетик рискларни

келтириб чиқарди.

Илмий ва техник инқилоб бутун инсониятни ва айниқса суғурта ҳимоясини ташкил этишининг тубдан янги усуллари излаш заруратини бош масала қилиб

Хулоса ва таклифлар

Олиб борилган тадқиқотлар ва таҳлиллар натижасида қўйидагиларни таъкидлаш мумкини, яъни суғурта ва унинг соҳалари 5000 минг йиллик ривожланиши давомида қўйидаги фундаментал ўзгаришлари бошдан кечирди:

- Тасодифийликдан доимийликка;
- Тарқоқлик ва жамоатчиликдан миллий ва ҳалқароликка;
- Нотижорат кўринишидан тижоратга асослан кўринишига ўзгара борди.

Ушбу эволюция инсониятнинг товар ва моддий кўринишдаги иқтисодиётга ўтиши билан биргаликда юз берди.

Ривожланиши жараёнида суғурта фаолияти бир-бирига ўхшаш ва ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта босқичларни босиб ўтди: зарарларни қоплашнинг кетма-кетлик тартибига, хавф-хатарларга қарши туришнинг индивидуал кўринишидан жамоа кўринишига, солиқ, кредит ёки заём кўринишида ундириладиган ва тўланадиган натура ва пул кўринишидаги муносабатлардан ҳозирги суғурта мукофоти ва суғурта қопламаси кўринишига ўтиши. Ушбу босқичларнинг ҳар бирида суғурта ҳимоясини тақдим этишининг янги ёки янада замонавий усуллари пайдо бўла бошлаган.

Замонавий суғурта муносабатлари жаҳон суғурта амалиётининг илғор ютуқлари асосида шакллана борди. Дастлаб суғурта мукофотлари мунтазам ва даврий кўринишда бўлмаган ва асосан натура шаклидан амалга оширилган, шунингдек шартнома ёки келишувга асосан хатарлар рўйхати деярли бўлмаган ёки кам бўлган. Кейинги босқичларда суғурта хизмати тармоқ ва тармоқ ости суғурта турлари билан бойитилган ва уларнинг кенг турдаги шакллари тақдим этила бошланган.

Узоқ вақт давомида иқтисодиёт ва ижтимоий муносабатлар ривожланиши таъсири остида суғуртани амалга оширишнинг шакллари ва усуллари ўзгарганига қарамай, уларни бугунги кунда шаклланаётган миллий суғурта бозоридаги суғурта соҳаларининг прототиби деб таъкидлашимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Денисова И.П. (2003) Страхование. М.: ИКЦ «Март»; Ростов н/Д: МарТ, С. 20.
2. Куликов С.В. (2008) Методология страховой науки. Вестник НГУЭУ, 2008, № 1.
3. Ермасов, С. В. (2014) Страхование: учебник для бакалавров / С. В. Ермасов, Н. Б. Ермасова. -5-е изд., перераб. и доп. - Москва : Издательство Юрайт, 2014. - 791 с.
4. Ахвледиани Ю.Т. (2015) Страхование: учебник /

қўйди. Бу йўналишидаги ишлар барча мамлакатларнинг суғурта соҳасини интеграциялашуви ва ҳалқаро миқёсига чиқиш кўринишида олиб борилиши кераклигини кўрсатди.

- Ю.Т. Ахвледиани. - 2-е изд., перераб. и доп. - Москва : ЮНИТИ-ДАНА, 2015 . - 568 с
5. Суворов Д.В. (1997) Становление страхования // Финансы. N 12. С. 52.
6. Райхер В.К. (1947) Общественно-исторические типы страхования. М.; Л.
7. Шиминова М.Я. (1989) Страхование: история, действующее законодательство, перспективы. М.: Наука, С. 7.
8. Грищенко Н.Б. (2001) Основы страховой деятельности: Учебное пособие. Барнаул: Изд-во Алт. ун-та, 274 с.
9. Гвозденко А. А. (2006) Страхование: учеб. - М.: ТК Велби, Изд-во проспект, Г25 - 464 с.
10. Борончиева А.К. (2016) Эволюция правовых форм страхования. Крымский научный вестник, №2 (8), - с. 97-110.
11. Пасынков А.С. (2014) Феномен ростовщичества: от Вавилона до глобальной финансовой системы. История. Экономика. Антропология. - М.: Диля, С. 28.
12. Кричевский Н.А. (2004) Современные тенденции функционирования и развития российского страхового рынка: диссертация ... доктора экономических наук: 08.00.10. - Москва, - 404 с.
13. Бахматов С.А. (2007) Страхование: курс лекций / С.А. Бахматов, Ю.В. Бондарь. - Иркутск: Изд-во БГУЭП, - 153 с.
14. Мачуцкий, В.В. (2003) Правовые основы страхования: уч. пособ. / В.В. Мачуцкий. - Киев: КНЭУ, - 302 с.
15. Пшеничнюк Т.В. (2014) Предпосылки возникновения и основные этапы развития страхования. Экономика и финансы. Том 8, № 4, - с 43-47.
16. Базилевич, В.Д. (2006) Страховое дело / В.Д. Базилевич, К.С. Базилевич. - М.: - 351 с.
17. Гомелля В.Б. (2006) Страхование: учеб.пособие. - М.: Маркет ДС, С. 127.
18. Айзенштейн Х.А. (1912) Сравнение и критика полисных условий по страхованию жизни.